

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВ ФАЙЗУЛЛАЖОН САЪДУЛЛАЕВИЧ**

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philosophical Sciences**

**Қосимов Файзуллажон Саъдуллаевич**

Янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини

ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари..... 3

**Қосимов Файзуллажон Саъдуллаевич**

Социально-философские основы развития человеческого

капитала в обновляющемся Узбекистане ..... 23

**Kosimov Fayzullajon Sa'dullaevich**

Socio-philosophical foundations for the development of human

capital in the renewing Uzbekistan ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 48

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВ ФАЙЗУЛЛАЖОН САЪДУЛЛАЕВИЧ**

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fal.598 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ғаффарова Гулчехра Ғуламжановна**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона.

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (106-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Ш.Негматова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**А.Р.Самадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктор (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда инсон капитали муаммоси ҳар бир давлатнинг тақдирини белгилайдиган, замонавий дунё тараққиётининг динамикаси, инсоннинг инновацион, ижодий фаолияти, фан, техника ва технологияларнинг ривожланишини белгиловчи омил сифатида долзарблик касб этмоқда. БМТнинг Тараққиёт дастури, Инсон капитали индекси, Жаҳон банкининг «Инсон капиталини ривожлантириш» лойиҳаси ҳам инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бугунги глобал ахборот маконида уни бевосита энг афзал ва энг қимматли ресурсга айлантормоқда. Шу маънода инсон капиталининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни билан боғлиқ унинг намоён бўлиш хусусиятлари, уни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари, мезон ҳамда механизмларини аниқлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Жаҳон илм-фанида бугунги кунда инсон капиталини ривожлантириш бўйича илмий-назарий, амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, инсон капитали концепцияси, уни шакллантириш мезонлари, ривожлантириш омиллари, инсон капиталининг тузилиши ва турлари ҳамда унинг жамият модернизацияси ва барқарор ривожланиш омилли эканлиги билан боғлиқ илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир. Маълумки, ривожланган давлатларда инсон капитали асосий бойлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий мезони ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам, инсон капиталини шакллантириш, ривожлантириш, унинг ижодий фазилатлари ва қобилиятлари, инсон капиталига сармоя киритиш масаласи дунё фанининг асосий ва марказий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса инсон капиталининг мамлакатни барқарор ривожланишидаги аҳамиятига доир тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда.

Мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришда «давлат – инсон учун» тамойили асосида ишлаш тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. «Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш — Стратегиянинг бош мақсадидир»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, бугунги глобаллашув жараёнларида инсон капитали ва унинг таркибий унсурларини баҳолаш тизимини кенгайтириш, республикада инсон капиталини ривожлантириш бўйича имкониятларни аниқлаш механизмларини, ижтимоий қонуниятларини, усул ва воситаларини тадқиқ қилиш илмий жамоатчиликнинг муҳим тадқиқот объектларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегияси тўғрисида», 2018 йил 18 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3913188>

йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари ва 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғарб мамлакатларида инсон капиталидан турли соҳалар доирасида самарали фойдаланиш асослари атрофлича ўрганилган. Ўтган асрнинг ўрталарида ғарб олимларидан Г.Беккер, Т.Щульц, М.Блоуг, Дж.Минсер, С.Полачек<sup>1</sup> асарларида ва илмий тадқиқот ишларида инсон капитали концепциясининг назарий ва услубий асослари шакллантирилган. Шунингдек, инсон капиталини иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатида - Н.Мэнкью, Д.Ромер, Д.Вейл, Дж.Бенхабиб, М.Шпигель<sup>2</sup>, инсон капиталини таълим орқали баҳолаш - Д.Коэн, М.Сото, В.Лутц, А.Гужон<sup>3</sup>ларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатларида ҳам инсон капиталидан рационал фойдаланиш ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришишда унинг самарали жиҳатларини асослашга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, инновацион ривожланишининг устувор омили сифатида макро-, мезо- ва микро-даражада инсон капиталининг ривожланиши ва амал қилишининг турли жиҳатлари - Л.Г.Симкина, А.В.Корицкий, Ю.А.Корчагин,

---

<sup>1</sup> Berger G. Investment in Human Capital: A Theoretical Analysis // Journal of Political Economy, 1962. Vol.70(5, Part 2, Supplement), Pp.9-49; Schultz T.W. Investment in Human Capital // The American Economic Review, 1961. Vol.51(1), -Pp.1-17; Blaug M. The empirical status of human capital theory: A slightly jaundiced survey // Journal of economic literature. 1976. Sep 1, 14(3), -Pp.827-855; Jacob M. Investment in Human Capital and Personal Income Distribution // Journal of Political Economy, 1958. August, Vol.66, -Pp.281-302; Mincer J., Polachek S. Family Investments in Human Capital: Earnings of Women // Journal of Political Economy, 1974. Vol.82, number 2, Part 2, March-April / <http://www.nber.org>

<sup>2</sup> Mankiw, N., Romer, G. and Weil, D. A Contribution to the Empirics of Economy Growth // Quarterly Journal of Economy, 1992. Vol.107, -Pp.407-437 Benhabib, Jess and Mark, M. Spiegel. The Role of Human Capital in Economic Development: Evidence from Aggregate Cross-Country Data // Journal of Monetary Economics, 1994. Vol.34, -Pp.143-173.

<sup>3</sup> Cohen, D., Soto, M. Growth and human capital: good data, good results // Journal of Political Economy. Growth, 2007. XII, -Pp.51-76; Luts, W. and Goujon, A. The world's changing human capital stock: Multi-state population projections by educational attainment // Population and Development Review, 2001. Vol.27(2), -Pp.323-339.

И.В.Скоблякова, В.Бирбков, С.Коваленок, З.Р.Хабибуллина, А.Подберезкин сингари олимлар томонидан ўрганилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда ҳам сўнги йилларда инсон капиталидан оқилона фойдаланишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ишлари тобора жадаллашиб бормоқда ва бир қанча олимлар бу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, инсон капиталини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини академиклар Р.А.Убайдуллаева, К.Х.Абдурахмонов, С.С.Ғуломов, Ш.Г.Акрамовалар томонидан ўрганилган. Шунингдек, инсон капиталининг назарий-методологик асослари ва ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ҳам кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, М.Абдуллаева таълимда инсон капитали муаммоси<sup>2</sup>, Қ.Назаров миллий кадриятларнинг инсон капитали ривожлантиришдаги аҳамияти, Ф.Юлдашева глобаллашув жараёнида маънавий кадриятлар, Г.Ғаффарова инсон капиталини ривожлантиришда рақамлаштириш ва миллий кадриятларнинг аҳамияти<sup>3</sup>, Г.Жалалова билим ва илмий билимлар трансформацияси инсон капиталини шакллантириш омили<sup>4</sup>, М.Шарипов интеллектуал инсон капиталининг моҳияти ва хусусиятлари, соғлиқ капитали категорияси, унинг турлари, манбаларини<sup>5</sup> фалсафий таҳлил этишган.

Мазкур тадқиқотлар Ўзбекистонда инсон капиталини шакллантириш омиллари, ижтимоий ривожланишда инсон капиталининг аҳамияти масалаларига улкан ҳисса қўшган. Бироқ замонавий шароитларда инсон капитали тушунчасининг фалсафий моҳияти, уни ривожлантирувчи омиллар,

<sup>1</sup> Симкина, Л.Г. Человеческий капитал в инновационной экономике. – СПб.: СПбГНЭА, 2000. 48 с.; Корицкий А.В. Человеческий капитал как фактор экономического роста регионов России. Монография / науч. ред. Т.В.Григорова. - Новосибирск: Сибирский университет потребительской кооперации, 2010. – 368 с.; Корчагин Ю.А. Человеческий капитал и инновационная экономика России. Монография. – Воронеж: ЦИРЭ, 2012; Скоблякова И.В. Циклы воспроизводства человеческого капитала. Монография. -М.: Манинстроение-1, 2006. – 196 с.; Хабибуллина З.Р. Человеческий капитал креативного работника: Дисс.я канд.э.н. – Санкт-Петербург, 2021. – 184 с.; Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. Монография. – Москва: РУСАИС, 2017. – 282 с.; Килыбаева Т.Б. Философские аспекты формирование человеческого капитала: Автореф. дисс.я д.ф. (PhD); Нестеров А., Аширов Г. Национальное богатства и человеческий капитал // Вопросы экономики. 2003. №2; Смирнов В.Т., Сколякова И.В. Человеческий капитал: содержание и виды, оценки и стимулирование. – М.: Машиностроение-1, - Орел: Орел ГТУ, 2015. – 513 с.; Бирбков В. Детерминанты развития человеческого капитала Республики Казахстан. – США: LAB/lambert academic publishing, 2014; Петренко Т., Егорова И., Коваленок С. Исследование человеческого капитала как фактора экономического роста. – США: LAB/lambert academic publishing, 2012; Подберезкин А. Национальный человеческий капитал. В 5 томах. Том 1, Роль идеологии в модернизации России. – М.: МГИМО-Университет, 2012. – 470 с.

<sup>2</sup> Абдуллаева М.Н., Ғаффарова Г.Ғ. Инсон капитали таълим призмасида // Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда инновацион ғояларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-фалсафий, таълимий йўналишларининг ривожланиш истикболлари: Республика онлайн анжуман материаллари. – Тошкент, 2020.

<sup>3</sup> Gaffarova G.G. Human capital as the basis of society development // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. –USA, Harrisburg, 2021. №04(96), -P.455-460; Ғаффарова Г.Ғ., Полвонова С. Инсон капиталини ривожлантиришда миллий кадриятларнинг аҳамияти // Academic reserch in educational sciences, 2021. 2(5), -Б.779-786.; Ғаффарова Г. Человеческий капитал в условиях цифровизации Узбекистана. Интеллектуальная культура Беларуси: духовно-нравственные традиции и тенденции инновационного развития: материалы Пятой междунар. науч. конф. Т.2. – Минск: Четыре четверти, 2020. –С.72-75.

<sup>4</sup> Жалалова Г.О. Илмий билимлардаги трансформация жараёнларининг эпистемологик моҳияти. Дисс.фалс.фан.доктори (PnD). - Тошкент, 2018.

<sup>5</sup> Шарипов М. Интеллектуал инсон капиталининг моҳияти, манбалари ва хусусиятлари // ARES, Academic Research in educational sciences. Vol.2, Issue 6, 2021. –Б.694-703.; Шарипов М. Соғлиқ капитали категорияси, унинг турлари, манбалари ва аҳамияти // ARES, Academic Research in educational sciences. Vol.2, Issue 6, 2021. –Б.710-719.

янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ижтимоий-фалсафий асослари, мавжуд муаммолар ва уларнинг таҳлилига қаратилган махсус тадқиқот иши олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Чирчиқ давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-95 «Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капитали шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-фалсафий асосларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«инсон капитали» тушунчасининг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда инсон капиталининг классификациясини ишлаб чиқиш;

жамият ҳаётида инсон капиталининг аҳамияти ортиб боришидаги муҳим омилларни аниқлаш ҳамда ижтимоий тараққиётнинг замонавий қирралари билан ўзаро алоқадорликнинг моҳиятини илмий асослаш;

инсон капиталини ривожлантиришдаги муҳим омилларни аниқлаш ҳамда илмий-назарий ёндашувлардаги трансформациялар ва ижтимоий жараённинг инновацион механизмларини очиб бериш;

янги Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг зарурияти ҳамда унинг ижтимоий масалаларни рационал ечими эканлигини асослаш;

янги Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш концепцияси дастурининг долзарблигини ҳамда унинг амалий аҳамиятини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** янги Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий фанлар доирасида тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, диалектик, синергетик, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли ва қиёсий таҳлил каби илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«инсон капитали» тушунчаси моҳиятининг фундаментал хусусиятидаги илмий гносеологик қизиқишнинг ижтимоий борлиққа прогрессив таъсирига кўра замонавий ижтимоий ҳаётнинг стратегик муҳим соҳаси эканлиги ҳамда унинг таълим, билим, соғлиқ, бандлик, ҳаёт даражаси, ҳудудий жой сингари ўзига хос хусусиятлари орқали намоён бўлиши аниқланган;

инновация, инвестиция ва рақобатбардошлик иқтисодий ривожланишнинг интенсификацияси ишлаб чиқариши сабабли нафақат жамиятнинг иқтисодий ўсиш даражасини таъминлаши балки инсон капиталини ривожлантиришнинг асосий омили эканлиги ҳамда илмий-назарий ёндашувлардаги ижтимоий-демографик, институционал, ижтимоий-

иқтисодий трансформациялар ва ижтимоий жараённинг ҳамкорлик, рақобат, мослашув каби инновацион механизмлари очиб берилган;

жамият ҳаётида инсон капиталининг аҳамияти ортиб боришида билимлар генерацияси ва ижтимоий-технологик инфратузилмани ўзгартириш тезлигининг ортишига кўра иқтисодий ривожланиш, соғлиқни сақлаш билан бирга таълим муҳим омил эканлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг замонавий қирралари (рақамли иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, постиндустриаллашиш) билан бозор иқтисодиёти чуқурлашуви қонуниятларига асосланган ривожланишдаги ўзаро алоқадорликнинг конструктив моҳияти далилланган;

инсон фаоллиги, унинг билими, креативлиги, янги тафаккурни шакллантириш жамиятнинг структуравий ўзгаришларига олиб келувчи трансформациялар омили эканлигига кўра нафақат жамиятнинг интеллектуал фаолиятини ошишига балки Янги Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг зарурияти ҳамда қашшоқлик, ижтимоий тенгсизлик, ишсизлик, бандлик, аҳоли саломатлиги, гендер тенглик каби ижтимоий муаммоларнинг рационал ечими эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий тадқиқи орқали ахборотлашган жамиятда ёшлар сиёсатидаги устувор вазифалар ёритиб берилган;

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида инсон фаоллиги, унинг билими, креативлиги, янги тафаккурни шакллантиришдаги мавжуд муаммолар таҳлили асосида фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган назарий ва услубий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан фалсафа, таълим фалсафаси, инсон фалсафаси, ижтимоий фалсафа, социология, маънавият асослари, ижтимоий иш каби фанлар доирасида фойдаланиш, илмий тадқиқот методологияси, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари), креатив фикрлаш каби мутахассислик фанларининг мазмунини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унинг хулосаларидан фалсафа, социология, илмий тадқиқот методологияси, маънавият асослари ва ижтимоий иш фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, шунингдек, инсон капиталини ривожлантириш доирасидаги маърузалар тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги,

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази ҳамда ННТлар амалий фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янги Ўзбекистонда инсон капитални ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий асосларини тадқиқ этишдан олинган илмий натижалар асосида:

«инсон капитали» тушунчаси моҳиятининг фундаментал хусусиятидаги илмий гносеологик қизиқишнинг ижтимоий борлиққа прогрессив таъсирига кўра замонавий ижтимоий ҳаётнинг стратегик муҳим соҳаси эканлиги ҳамда унинг таълим, билим, соғлиқ, бандлик, ҳаёт даражаси, ҳудудий жой сингари ўзига хос хусусиятлари орқали намоён бўлишига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик» шиори остида «Ёшлар ойлиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда «Ҳокимнинг ёшларга мурожаати» лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги 2-13-23-2215-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона вилоятида ўтказилган тарғибот тадбирларини ҳамда ёшларга вилоят раҳбари томонидан йўлланган мурожаатнинг назарий асосларини такомиллаштиришига хизмат қилган;

инновация, инвестиция ва рақобатбардошлик иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариши сабабли нафақат жамиятнинг иқтисодий ўсиш даражасини таъминлаши балки инсон капитални ривожлантиришнинг асосий омили эканлиги ҳамда илмий-назарий ёндашувлардаги ижтимоий-демографик, институционал, ижтимоий-иқтисодий трансформациялар ва ижтимоий жараённинг ҳамкорлик, рақобат, мослашув каби инновацион механизмларига доир тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетининг «Ўзбекистонда ислохотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал методологияси (Ҳаракатлар стратегияси асосида)» мавзuidaги ПЗ-20170928696 рақамли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 18 апрелдаги 04/11-2196-сон маълумотномаси). Натижада Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган тизимли ислохотларни кенгроқ ҳамда жамиятнинг янги тараққиёт босқичида инсон капитални ривожлантириш, Ўзбекистонда инсон капитали миграциясини ўрганиш, интеллектуал капитални янада мустаҳкамлаш асосида модернизация қилиш йўллари ва инсон капиталининг функционал хусусиятларини аниқлашга хизмат қилган;

жамият ҳаётида инсон капиталининг аҳамияти ортиб боришида билимлар генерацияси ва ижтимоий-технологик инфратузилмани ўзгартириш тезлигининг ортишига кўра иқтисодий ривожланиш, соғлиқни сақлаш билан бирга таълим муҳим омил эканлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг замонавий қирралари (рақамли иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, постиндустриаллашиш) билан бозор иқтисодиёти чуқурлашуви қонуниятларига асосланган ривожланишдаги ўзаро алоқадорликнинг конструктив моҳиятига оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият

ва маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими томонидан «Ижтимоий ривожланиш ва дахлдорлик туйғуси» мавзусида ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 8 сентябрдаги 03-03-1070-сон маълумотномаси). Натижада жамият аъзолари, айниқса, ёшларда фаол ҳаётий позицияни, анланган эҳтиёжларни шакллантириш ва бу эҳтиёжларни ватанимиз эҳтиёжларига мослаштиришга доир билимларини ривожлантиришга хизмат қилган;

инсон фаоллиги, унинг билими, креативлиги, янги тафаккурни шакллантириш жамиятнинг структуравий ўзгаришларига олиб келувчи трансформациялар омили эканлигига кўра нафақат жамиятнинг интеллектуал фаолиятини ошишига балки Янги Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг зарурияти ҳамда қашшоқлик, ижтимоий тенгсизлик, ишсизлик, бандлик, аҳоли саломатлиги, гендер тенглик каби ижтимоий муаммоларнинг рационал ечими эканлигига доир тавсиялардан Фарғона вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг хотин-қизлар билан тизимли ишлаш мақсадида «Бибихоним мактаблари»ни ташкил этиш, чекка ва олис худудларда иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг таълим ва касбий кўникмалари, қобилиятларини тўғри йўналтириш масалаларида Бешариқ, Фурқат ва Сўх туманларида амалга ошириладиган вазифалар юзасидан чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 02-02/2294-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда инсон капитали функционал хусусиятларини гендер фарқларига доир тушунчалар тизимини янада бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (хусусан, 5 та республика ва 2 та халқаро журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари

аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инсон капитали тушунчасининг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобда инсон капитали тушунчасининг пайдо бўлиши, моҳияти, унга оид таърифлар таҳлили, инсон капиталига оид ёндашувлар кенг ёритиб берилган. Жумладан, инсон капиталининг моҳияти тўғрисидаги турли-туман нуқтаи-назарлардан келиб чиқиб, «илм-фан, таълим, соғлиқ, хавфсизлик, иқтисодий эркинлик, маданият, билим, ахборот» кабилар инсон капиталини шакллантирувчи манбалар эканлиги аниқланди.

Инсон капитали (инглизча «human capital») замонавий фан, фалсафа, сиёсат в иқтисодиётнинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Диссертацияда, инсон капитали тушунчасининг фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишни «инсон» ва «капитал» тушунчаларининг мазмун-моҳияти ҳамда унга оид ёндашувлар қиёсий таҳлил қилинди. Инсон онг ва ақлга эга бўлган ижтимоий мавжудот ҳисобланади. Унинг моҳияти яхлит бир бутунлик сифатида инсон, шахс, индивид, индивидуаллик тушунчалари орқали ифодаланади. Фалсафа инсонни оламнинг таркибий қисми сифатида ўрганади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «капитал (лотинча *capitalis* – бош, асосий) – ўзини ўзи кўпайтириш учун фойдаланиладиган, ўз эгасига даромад, фойда келтирадиган бойлик, кимгадир катта бойлик, қадрият ҳисобланган, муҳим аҳамиятга эга бўлган, аҳамиятга молик нарса»<sup>1</sup>, сифатида таърифланган.

Дастлаб, инсон капитали деганда фақат инсоннинг меҳнат қобилиятини оширадиган инвестициялар йиғиндиси - таълим ва касбий маҳорат тушуниланган. Инсон капитали кенг маънода «иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оила ривож, билимлар, интеллектуал ва бошқарувчи меҳнат воситалари, аҳоли саломатлиги ва яшаш муҳити, замонавий малакали кадрларнинг юксак салоҳиятидир»<sup>2</sup>.

Бугунги кунда инсон ва унинг қобилиятлари, билимлари, кўникмалари ҳар қандай жамият равнақи ва давлатнинг иқтисодий ривожланишининг асосий омилига айланди. Шунинг учун жамият тараққиётининг муҳим омили бўлган «инсон капитали»нинг моҳияти баъзи иқтисодчилар томонидан «ҳамма эгаллаган билим, кўникма ва мотивация заҳираси»<sup>3</sup> сифатида талқин этилади. Аслида, бу капитал сифатида намоён бўлади, чунки у келажакдаги даромад манбаи ҳисобланади. Бу инсон капитали, чунки у инсонга хос бўлиб, унинг ажралмас қисмидир.

Инсон капитали – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-фалсафий тушунча бўлиб, бу шахснинг «ақлий меҳнати ва юксак инновацион тафаккури, унинг

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН. 2001. –Б.316

<sup>2</sup> Шапкин И.Н. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. - Москва, 2017. – С.19.

<sup>3</sup> Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: «Университет», 2018. –Б.31.

турмуш даражаси ва касбий карьерасининг ошиши, жамиятдаги мавқеи ва ўрнини белгилаб берувчи омил»<sup>1</sup> ҳисобланади. Умуман олганда, инсон капитали мураккаб тушунча бўлиб, билимга интилиш, ахборот таъминоти, соғлиқ, ташаббус, меҳнатсеварлик, профессионализм каби хусусиятларни ўз ичига олади.

Т.Шульц ва Г.Беккерлар «инсон капитали» тушунчасини инсон қобилиятини, унинг истеъдодини, билимини, эгаллаган малакасини, туғма қобилиятини иқтисодий баҳолаш сифатида таърифлашган<sup>2</sup>. Шунингдек, инсон капиталига оид қуйидаги таърифларни ҳам таъкидлаш мумкин: «инсон капитали - жисмоний шахслар томонидан инвестициялар ва жамғариш натижасида шаклланган билим, кўникма ва бошқа фазилатлар тўплами»<sup>3</sup>, «инсонга берилган билимлар, кўникмалар, мотивация ва энергиядан тортиб, маълум вақт давомида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин бўлган ходимнинг барча ишлаб чиқариш хусусиятларининг йиғиндиси»<sup>4</sup>, «инсон капитали – бу ўз ўзидан ўсиб боровчи кадриятдир»<sup>5</sup>.

Юқорида келтирилган таърифларнинг ҳар бири инсон капитали тушунчасининг моҳиятини тўла ўзида ифодамайди. Бунга сабаб ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий феномен каби инсон капитали ҳар бир давлатнинг анъаналари ва халқнинг менталитетини, бошқа маҳаллий шарт-шароитларни ўзида акс эттирувчи хусусиятлари мавжуд. Шунинг учун олимлар ва мутахассислар томонидан инсон капиталига берилган таърифлар мураккаб тушунчанинг барча қирраларини қамраб ололмайди. Бироқ, «инсон капитали» таърифидаги фарқларга қарамай, ҳамма учун умумий нарса «билим, малака ва кўникмалар захираси»дир. Баъзи олимлар фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, даромад ўсишини эслатиб ўтишади, бошқалари эса инсон капиталини шакллантириш ҳақида гапиришади<sup>6</sup>. Бироқ, биз инсон капитали концепциясини белгилашда иккала жиҳатни ҳам ҳисобга олиш керак деб ҳисоблаймиз.

Инсон капиталига оид таъриф ва қарашларни таҳлили этиш натижасида, инсон капитали - инсон ва умуман жамиятнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билимлар, малакалар ва кўникмалар тўпландир деган хулосага келдик. Шунини айтиш керакки, инсон капитали тушунчасининг моҳиятини англашда у билан боғлиқ инсон омили, инсон

<sup>1</sup> Усмонов Б.Ш., Кодиров М.К., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. Рисола. – Самарқанд: СамДУ, 2015. – Б.14.

<sup>2</sup> Shultz T. Human Capital in the International Encyclopedia of the Social Sciences. – N.Y., 1968. Vol.6.; Becker G. Human Capital. – Columbia University Press, 1964.

<sup>3</sup> Курганский С.А. Человеческий капитал: сущность, структура, оценка / Иркут. гос. экон. акад. - Иркутск, 1999. - 287 с

<sup>4</sup> Цыренова Е.Д. Развитие человеческого капитала в условиях трансформации институциональной среды. – Улар-Удэ: Изда-во ВС ГТУ, 2006. – 88 с.

<sup>5</sup> Юнин В.А. Эволюционно-институциональные особенности формирования человеческого капитала как фактор инновационного развития: Автореферат дисс. канд. экон. наук. – Казань, 2019. –С.36.

<sup>6</sup> Устинова К. А. Человеческий капитал в инновационной экономике: монография / К.А.Устинова, Е.С. Губанова, Г.В. Леонидова. – Вологда: Институт социально-экономического развития территорий РАН, 2015. – С.5.

салоҳияти тушунчаларининг мазмунини назарий таҳлил қилиш орқали ёритиб бериш мумкин.

Инсон ўзидаги билим, тажриба, кўникмалари билан ҳар қандай ижтимоий муносабатларга кучли таъсир этади. Шу нуқтаи назардан энг зўр инсон омили дейиш мумкин. Инсон омили фалсафий нуқтаи назаридан «инсон борлиқдаги барча нарсага таъсир этиши ва унинг ҳаракатга келтирувчи энг муҳим куч» сифатида қаралади. Ушбу тушунчанинг муҳим хусусиятлари бўлган эҳтиёжи, хулқ-атвори, ташаббускорлик, тadbиркорлик, қизиқишлари, узоқни кўра билиш хусусиятлари, ҳар қандай вазиятдан чиқишда тўғри қарор қабул қилиш хусусияти, фикри, ғояси, ўзига хос ноодатий фикрлаш қобилияти, ихтирочилик қобилиятлари билан ижтимоий ҳаётимиздаги барча муносабатлар (табиат, жамият, давлат, корхона)га таъсир этади ва биз бу омилни «инсон омили» деб атаймиз. Демак, инсон омилига – ҳаёт даражаси, ҳаёт давомийлиги, соғлиқни сақлаш, аҳолининг камбағаллик даражаси, аҳолини саводхонлик даражаси (ОТМгача таълим), аҳолининг иқтисодий фаоллигини киритиш мумкин.

Инсон капиталига эса фан, таълим (ОТМ ва ундан кейинги таълим), инновация, мотивация, ижодий ёндашув, фуқаролик жамияти ва эркинлик, маданият ва санъат, ахборот хизмати, туғма қобилият ва истеъдод, олинган малака, инсон омили киради.

Инсон капитали салоҳият доирасида шаклланади, инсон капиталининг шаклланиши эса моҳиятан инсон салоҳиятининг ривожланишидир. Шу жиҳатдан бу икки тушунча амалда бир жараёнга бирикиб кетади, аммо бир биридан ажралиб турувчи хусусиятлар ҳам мавжуд. Хусусан, инсон салоҳиятининг ривожланиши инсон қобилиятлари заҳирасининг кўп қиррали тўпланишидир. Яъни, у жамият ҳаётининг барча соҳаларини (иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий, сиёсий) ўз ичига олса, инсон капиталининг шаклланиши эса ундан фарқли жамиятнинг асосий қадрияти ҳисобланади. Демак, инсон салоҳиятининг асосида унинг бош элементи инсон капитали туради. Шу билан бирга инсон салоҳиятининг ўзагини қобилият ташкил этса, эҳтиёжлар унинг асосидир.

Инсон капитали тўғрисидаги замонавий концепциясининг мураккаблиги, кўп қирралилиги бугунги кунда унинг кўпгина шарҳлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда иккита асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчиси, инсон капитали «таълим, ўқитиш ва амалий иш тажрибаси жараёнида олинган билим, кўникма ва малакалар контексти»<sup>1</sup>да қабул қилади. Яъни, «одамлар таълим, машғулот ёки амалий тажриба орқали оладиган ва уларга бошқа шахсларнинг вакили бўлишларига имкон берадиган билим ва кўникмалар»<sup>2</sup>. Иккинчи ёндашувни қўллаб-қувватловчилар эса «инсон капиталининг асосий хусусиятлари қаторида

<sup>1</sup> Человеческий капитал: сущность и виды // [https://studme.org/53184/politekonomiya/chelovecheskiy\\_kapital\\_suschnost\\_vidy](https://studme.org/53184/politekonomiya/chelovecheskiy_kapital_suschnost_vidy)

<sup>2</sup> Shultz T. Capital Formation by Education // Journal of Political Economy, 1960. Vol.6. – P.574.

нафақат таълим жараёнида олинган билимларни»<sup>1</sup>, балки «мотивация, энергия, қадриятлар»<sup>2</sup>ни ҳам ажратиб кўрсатадилар.

Илмий адабиётларда инсон капиталининг кўплаб турлари мавжуд. Баъзи адабиётларда инсон капитали классификацияси қуйидагича берилади: «микродаража (индивидуал), мезодаража (жамоавий), макродаража (миллий)»<sup>3</sup>; «интеллектуал капитал, индивидуал соғлиқ даражасини сақлаш, маданий ва маънавий саломатлик капитали, тадбиркорлик капитали»<sup>4</sup>, «маданий, интеллектуал ва ижтимоий капитал»<sup>5</sup>, «соғлиқни сақлаш капитали, меҳнат капитали, интеллектуал капитали, ташкилий ва тадбиркорлик капитали, маданий ва маънавий капитал, ижтимоий капитал, бренд капитал, таркибий капитал, ташкилий капитал»<sup>6</sup>, «ижобий (фаол) инсон капитали; салбий (нофаол) инсон капитали; манфий инсон капитали»<sup>7</sup>.

Бизнинг фикримизча, инсон капитали мураккаб тизим сифатида индивидуал, миллий ва умумий элементларга, бу элементлар ўзига хос хусусиятларига эга бўлган тизим ости элементларига эга бўлади. Бундай тизим ости элементларига «интеллектуал капитал, соғлиқни сақлаш капитали, ижтимоий капитал, сиёсий капитал, шахсий капитал, маънавий капитал, иқтисодий капитал, ташкилий капитал, таркибий капитал, бренд капитал, инновацион капитал»<sup>8</sup> кабиларни киритиш мумкин.

Диссертациянинг «**Инсон капиталини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида инсон капиталини ривожлантиришга оид маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг ёндашувларини қиёсий таҳлили ҳамда инсон капиталини ривожлантирувчи омиллар фалсафий таҳлил асосида ёритиб берилади.

Инсон капитали - бу одамлар ҳаёти давомида тўплаган билимлари, кўникмалари ва соғлиғи, бу уларга жамиятнинг фойдали аъзолари сифатида ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришга имкон беради. Яхшиланган овқатланиш, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, иш ўринлари яратиш ва малакаларини ошириш орқали одамларга сармоя ётқизиш инсон капиталининг ривожланишига ҳисса қўшади, бу ўта қашшоқликни тўхтатиш

<sup>1</sup> Человеческий капитал: сущность и виды // [https://studme.org/53184/politekonomiya/chelovecheskiy\\_kapital\\_suschnost\\_vidy](https://studme.org/53184/politekonomiya/chelovecheskiy_kapital_suschnost_vidy)

<sup>2</sup> Каримова А.А. Человеческий капитал: сущности и виды // Экономика и предпринимательство, 2019. №2(103), - С.235.

<sup>3</sup> Кобзистая Ю.Г. Человеческий капитал: понятие и особенности // Фундаментальные исследования. Экономические науки. №2, 2018. –С.120 (–С.118-122.); Каримова А.А. Человеческий капитал: сущности и виды // Экономика и предпринимательство, 2019. №2(103), - С.235.

<sup>4</sup> Зоткина Н.С., Гусарова М.С., Копытова А.В. Человеческий капитал как ведущий фактор развития компании. Монография. – Чебоксары: Издательский дом «Среда», 2021. –С.45.

<sup>5</sup> Смирнов Б.В., Ткаченко А.В. Методологические основы классификации человеческого капитала // Власть и управление на Востоке России. 2009. №4, -С.119-127.

<sup>6</sup> Смирнов В.Т., Сошников И.В., Романчин В.И., Скоблякова И.В. Человеческий капитал: содержание и виды, оценка и стимулирование. Монография. – М.: Машиностроение-1, Орел: ОрелГТУ, 2005. – 513 с.

<sup>7</sup> Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. Рисола. – Самарқанд: СамДУ, 2015. – 14-16-б.

<sup>8</sup> Каримова А.А. Человеческий капитал: сущности и виды // Экономика и предпринимательство, 2019. №2(103), - С.235.; Сергеев А. Интеллектуальный капитал менеджмента. Теория и тенденция в России. – Saarbrücken: LAP LAMBERT Academic Publishing GmbH & Co. KG. – 2012. – С.31. Томас А. Стюарт. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организации. – М.: «Поколение», 2007. –С.24.

ва ижтимоий жиҳатдан бирлашган жамиятларни барпо этиш учун жуда муҳимдир.

Инсон капитали ҳар қандай жамиятнинг асосий бойлиги ва энг қимматли манбаи, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий мезонидир. Шахсни ўрганиш, инсон капиталини шакллантириш, унинг йиғма ижодий фазилатлари ва қобилиятлари, инсон капиталига сармоя киритиш муаммоси дунё фанининг асосий ва марказий муаммоларидан биридир. Шу сабабли, XXI аср инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш, уни янада ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш керакки, инсон капиталини шакллантиришда қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга: фан, таълим, инновация, мотивация, ижодий ёндашув, фуқаролик жамияти ва иқтисодий эркинлик, инфорацион хизматлар, маданият ва санъат, туғма қобилият ва истеъдод, олинган малакалар. Т.Шульс инсоният капитали назариясининг ривожланишининг дастлабки босқичида шаклланишига, илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинишига ва оммалашинишига улкан ҳисса қўшди. У инсон капитали концепциясини ишлаб чиқарувчи омил сифатида биринчилардан бўлиб киритган. Ва у инсон капиталининг саноат ва постиндустриал иқтисодиётларнинг асосий двигатели ва асоси сифатида ролини тушуниш учун жуда кўп ишларни амалга оширди. Т.Шульс инсонга сармоянинг асосий натижаларини одамларнинг меҳнат қобилиятининг тўпланиши, уларнинг жамиятдаги самарали ижодий фаолияти ва соғлиғини сақлаш деб ҳисоблаган. У инсон капитали ишлаб чиқариш табиатининг зарур хусусиятларига эга деб ҳисоблаган. Инсон капитали тўпланиб, кўпайтира олади<sup>1</sup>.

Инсон капитали назарияси институционал назария, неоклассик назария, неокейнсизм ва бошқа хусусий иқтисодий назариялар ютуқларига асосланади. Унинг пайдо бўлиши иқтисодий ва тегишли фанларнинг реал иқтисодиёт ва ҳаётга бўлган талабга жавоби эди. Шахсининг роли ва унинг интеллектуал фаолиятининг тўпланган натижаларини жамият ва иқтисодиётнинг ривожланиш суръати ва сифатига чуқур англаш муаммоси мавжуд эди. Инсон капитали назариясини яратиш учун ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши тўғрисидаги статистик маълумотлар туртки бўлди, бу ўсишнинг классик омилларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоблардан ошиб кетди.

Замонавий шароитда ривожланиш ва ўсишнинг реал жараёнларини таҳлил қилиш замонавий иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омили сифатида инсон капиталини ўрнатишга олиб келди. Инсон капитали концепцияси - бу инсон омили ва инсон ресурслари концепцияларининг табиий ривожланиши ва умумлаштирилиши, аммо инсон капитали янада кенг иқтисодий категория ҳисобланади.

«Инсон капитали» иқтисодий категорияси аста-секин шаклланиб борди ва биринчи босқичда у билим ва инсоннинг меҳнат қобилияти билан

---

<sup>1</sup> Shultz T. Human Capital in the International Encyclopedia of the Social Sciences. - N.Y., 1968, с.112.

чекланди. Бундан ташқари, узоқ вақт давомида инсон капитали фақат ривожланишнинг ижтимоий омили, яъни иқтисодий назария нуқтаи назаридан иқтисодий омил ҳисобланган. Таълим ва таълимга сармоялар самарасиз ва қимматга тушади деб ишонишган. XX-асрнинг иккинчи ярмида инсон капитали ва таълимга муносабат аста-секин тубдан ўзгарди.

Ҳозирги вақтда назария ва амалиёт асосида инсон капитали шаклланишда ва етакчи мамлакатлар учун муваффақиятли ривожланиш парадигмаси такомиллаштирилмоқда. Инсон капитали назариясига асосланиб Швеция 2000-йилларда ўз иқтисодиётини модернизация қилди ва жаҳон иқтисодиётида етакчиликни тиклади. Тарихий қисқа вақт ичида Финляндия ўзининг асосий табиий бойлиги - ўрмонларни чуқур қайта ишлашдан воз кечмасдан, биринчи навбатда, хом ашё иқтисодиётидан инновацион иқтисодиётга ўтишга ва ўзининг рақобатдош юқори технологияларини яратишга муваффақ бўлди. Умуман иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги рейтингида дунёда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, улар ўзларининг инновацион технологиялари ва маҳсулотларини яратишда ёғочни юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарларга қайта ишлашдан олинган даромадлар асосида яратдилар.

Буларнинг барчаси инсон капитали назарияси ва амалиёти ўзига хос соҳри таёқчани амалга оширгани учун эмас, балки иқтисодий назария ва амалиётнинг замон талабларига, инновацион иқтисодиёт (билим иқтисодиёти) муаммоларига жавоби бўлгани учун ва XX-асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган венчур капиталидир. Илм-фан ривожланиши, ривожланишнинг мураккаб интенсив омили - инсон капитали таркибий қисмлари сифатида ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши билимларни, таълимни, соғлиқни сақлашни, аҳолининг ҳаёт сифатини ва миллий иқтисодиётнинг ижодкорлиги ва инновационлигини етакчи мутахассисларнинг ўзларини қарашларида илгари сурди.

Инсон капиталини ривожлантиришда қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга, яъни: ижтимоий, макроиқтисодий, иқтисодий ишлаб чиқариш, инновацион, миллий давлатчилик, демографик, экологик, институционал, халқаро, ғоявий ёки мафкуравий.

Шундай қилиб, инсон капиталини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир: соғлиқни сақлаш капитали. Жисмоний куч, чидамлилиқ, меҳнат қобилияти, касалликларга қарши иммунитет, фаол меҳнат фаолияти даврининг кўпайиши ҳар бир инсон учун, касбий фаолиятнинг ҳар қандай соҳаси учун зарурдир. Биз инсон ва миллат соғлиғининг аксинча, соғлиғи йўқолиши ва аҳолининг ўлим даражаси ошиши билан боғлиқ барча улкан, капитал аҳамиятини биламиз.

Шундай қилиб, эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан олға бораётган давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсатида бутун эътибор инсонга, унинг барқарор тараққиётига қаратилган. Бу соҳада биз, аввало умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида тараққий этган бошқа халқлар эришган тажрибаларга ҳамда ўзимизга мос ва ўзимизга хос миллий

